

## КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** Мақолада маҳаллабай ишлаш тизими, камбағалликни қисқартириш бўйича ислохотларнинг бош мезони эканлиги, уни иқтисодий ҳолат сифатидаги тавсифи ва таҳлили ёритиб берилган

**Калим сўзлар:** Маҳаллабай ишлаш тизими, маҳалла, камбағаллик, хатлов, аҳолига бериладиган кўмак ва ёрдам, даромад, кредит, субсидия, ўсиш нуқталари (драйвер), ижара, ўқитиш, тадбиркорлик, ҳоким ёрдамчилари

Rafeev D.R., i.f.n.  
associate professor SamISI

## THE ROLE OF THE MAHALLABAY WORK SYSTEM IN POVERTY REDUCTION

**Annotation:** The article describes the system for the work of mahallabay, the main criterion for reforms to reduce poverty, its description and analysis as an economic condition

**Key words:** mahallabay work system, mahalla, poverty, census, assistance and support to residents, income, credit, subsidy, points of growth (driver), rent, training, entrepreneurship, assistants to khokims

**Кириш.** Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳолини янги иш ўринлари, кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” 6-устувор йўналишида ҳам мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш алоҳида (85-мақсад) белгиланган.<sup>1</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлар миллий базаси <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта расман қайд этилди. Мурожаатномада “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”<sup>2</sup> деб таъкидланди.

Шу сабабли мамлакатимизда кам таъминланган ва эҳтиёжманд аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Сир эмас, юртимизда камбағаллик кўп йиллар давомида “ёпиқ мавзу” бўлиб келди. Бу категориянинг ўрнига дардимизни хаспўшлаш учун “кам таъминланганлик”, “эҳтиёжмандлик” деган тушунчалардан фойдаландик. Оқибатда камбағаллик исканжаси ҳақиқатда камайиб қолмади ва остонамиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Халқ билан мулоқотнинг бугунгидай самарали тизими ҳақиқий аҳволни кўзгудагидай намоён этди. Одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12 - 15 фоизни ташкил этиши ҳам рост.<sup>3</sup>

Ушбу жараён инобатга олиниб, мамлакатда аҳолининг бандлиги ва яшаш шароити бўйича таркибий тузилиши, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳолини янги иш ўринлари, кафолатли даромад манбаи ва муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида ахборотларга асосланган мантиқий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда билиш назариясининг макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услубларидан ва ёндошувларидан ҳам фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Камбағаллик – ҳар бир шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг яшаши, меҳнат қобилиятини сақлаши, авлодни давом эттириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар маълум доирасини қаноатлантирмайдиган иқтисодий ҳолатнинг тавсифидир.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/>.

<sup>3</sup> Шерзод Мустафокулов, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Университет 3.0» халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, Халқ сузи, 25 март 2020 йил <https://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq>

У оилани боқиш ва кийинтириш, мактабда ўқиш ёки касалхонада даволаниш, ўз ерида истеъмол маҳсулотларини етиштириш ёки яшашга имкон берадиган даромад топадиган ишга эга бўлиш, шунингдек, кредитларни олиш ҳуқуқи имкониятларининг йўқлигида намоён бўлади.<sup>4</sup>

Жорий пайтда камбағаллик вақтинчалик ва сурункали (доимий узоқ вақт такрор давом этадиган) камбағаллик билан фарқланади.

Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назардан энг хавфли камбағаллик шакли сурункали камбағаллик ҳисобланади. Бу ҳолда жамиятнинг маълум гуруҳларида ёки алоҳида минтакаларда камбағаллик кўпайиши чекланган вазият тизимли равишда тасвирланади, яъни, одамларнинг бир неча авлоди қачонлардир камбағалликни келтириб чиқарган омиллар ва сабабларни енгишга қодир бўлмайдилар.

Вақтинчалик камбағаллик – оила турмуш даврининг маълум босқичлари билан ёки мавсумий тебранишлар билан ёхуд фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ, қайтар ҳолатдир. Вақтинчалик камбағалликнинг намоён бўлиши нисбатан кам ижтимоий хавфлидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бутун дунёда ва жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам пандемия даврида вақтинчалик камбағалликнинг кўпайиши содир бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг бу борада изчил амалга ошираётган сиёсатини ҳукумат таркибида Бош вазирнинг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритилиши ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хусусан, ушбу вазирлик ҳузурида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилишида янада яққол кўриш ҳамда мазкур масаланинг нақадар долзарблигини англаш мумкин.

Ушбу ислохотлар, хусусан, маҳаллабай ишлаш тизими республикада илк бор, Самарқанд вилоятида (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги “Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5105-сонли қарори*) 2021 май ойида Ургут, Булунғур ҳамда Пастдарғом туманларида, июль ойида (*Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги “Маҳаллабай ишлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 398-сонли қарори*) қолган шаҳар ва туманларда (*Маҳаллабай ишлаш марказлари орқали*) ташкил этилган.

Ушбу тизим орқали дастлаб Самарқанд вилоятидаги маҳаллаларнинг ҳар 3 тасида бир нафардан маҳаллабай ишлаш инспекторлари фаолияти йўлга қўйилиб, қишлоқ жойларида ишсизлик даражаси юқори ва оғир маҳаллалар билан ишлаш орқали ижобий натижаларга эришилди. Ушбу тажриба ва ижобий натижалар инобатга олиниб, маҳаллабай ишлаш тизимини ривожлантиришнинг муҳим локомотиви сифатида 2022 йил январь ойидан (ПФ-29//03.12.2022) республиканинг барча маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини

---

<sup>4</sup> Руководство по измерению бедности. ЕЭК, ООН, Нью-Йорк-Женева, 2017 г. с.4

таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари лавозими таъсис этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчиларига берилган ваколат ва ҳуқуқлар доирасида маҳаллабай ишлаш тизими орқали аҳолига бериладиган кўмак ва ёрдам (*ижарага ер бериш, кредит, субсидия, касбга ва тадбиркорликка ўқитиш, доимий ва мавсумий ишга жойлаштириш, ўз-ўзини банд қилиш орқали норасмий сектордаги фуқаролар фаолиятини қонунийлаштириш ва бошқалар*) ҳар бир маҳалла аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ўзгариши, бандлиги таъминланиши ва муқим даромадга эга бўлишида кенг имкониятлар яратмоқда.

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари томонидан дастлаб, ҳар бир маҳалла хонадонларида ўтказилган хатловларда аҳолини қийнаётган муаммолар, хонадон тоифалари ҳамда аҳоли даромадларини ошириш учун фойдаланаётган «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашуви ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Самарқанд вилоятида ҳоким ёрдамчилари томонидан 2022 йилда ўтказилган хатлов натижалари <sup>5</sup>

№	Туман	Маҳал- лалар сони	Ўрга- нилган хона- донлар сони	Хонадоннинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи							
				биринчи тоифа		иккинчи тоифа		учинчи тоифа		тўртинчи тоифа	
				сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	Самарқанд ш.	215	120 274	11 472	9,5	44 048	36,6	7 794	6,5	56 960	47,4
2	Каттақўрғон ш.	36	19 082	2 255	11,8	7 559	39,6	1 127	5,9	8 141	42,7
3	Булунғур т.	55	32 748	6 497	19,8	8 389	25,6	2 397	7,3	15 465	47,2
4	Жомбой т.	38	33 420	4 249	12,7	11 288	33,8	2 769	8,3	15 114	45,2
5	Иштихон т.	62	44 463	9 816	22,1	9 327	21,0	3 133	7,0	22 187	49,9
6	Каттақўрғон т.	69	52 865	9 461	17,9	15 474	29,3	3 603	6,8	24 327	46,0
7	Нарпай т.	57	38 652	8 215	21,3	11 677	30,2	2 699	7,0	16 061	41,6
8	Нуробод т.	39	30 028	5 091	17,0	11 889	39,6	1 863	6,2	11 185	37,2
9	Оқдарё т.	35	32 297	4 467	13,8	7 812	24,2	4 370	13,5	15 648	48,5
10	Пастдарғом т.	107	66 995	9 080	13,6	23 197	34,6	5 723	8,5	28 995	43,3
11	Пахтачи т.	59	32 588	5 722	17,6	10 646	32,7	2 650	8,1	13 570	41,6
12	Пайариқ т.	65	48 165	9 865	20,5	12 456	25,9	5 116	10,6	20 728	43,0
13	Самарқанд т.	74	47 827	7 419	15,5	18 878	39,5	3 671	7,7	17 859	37,3
14	Тайлоқ т.	50	36 617	7 308	20,0	10 806	29,5	3 618	9,9	14 885	40,7
15	Ургут т.	120	83 525	13 896	16,6	27 462	32,9	7 657	9,2	34 510	41,3
16	Қўшрабат т.	45	21 910	3 543	16,2	7 191	32,8	1 496	6,8	9 680	44,2
	<b>Жами:</b>	<b>1 126</b>	<b>741 456</b>	<b>118 356</b>	<b>16,0</b>	<b>238 099</b>	<b>32,1</b>	<b>59 686</b>	<b>8,0</b>	<b>325 315</b>	<b>43,9</b>

<sup>5</sup> Маҳаллабай ишлаш маркази ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда tutувчи [online-mahalla.uz](http://online-mahalla.uz) электрон платформаси маълумотлари.

Самарқанд вилоятида 2022 йилда 1 126 нафар ҳоким ёрдамчилари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 741,5 минг хонадонлар хатловдан ўтказилган. Уларнинг:

- **118,4 минг таси** (16,0 %) **биринчи тоифа** (*даромади кам, ишсиз аъзолари бўлган, ўз ишини бошлашга қизиқиши катта, шунингдек даромад топишга, касб ўрганишга ҳаракат қилаётган*) **эҳтиёжманд (оғир) хонадонлар**;

- **238,1 минг таси** (32,1 %) **иккинчи тоифа** (*доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истаги бор*) **ўрта хонадонлар**;

- **59,7 минг таси** (8,0 %) **учинчи тоифа** (*ногиронлиги бор ва касал аъзолари бўлган, боқувчисини йўқотган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонлар*) **эҳтиёжманд (оғир) хонадонлар**;

- **325,3 минг таси** (43,9 %) **тўртинчи тоифа** (*иқтисодий аҳволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар*) **намунали хонадонлар** эканлиги аниқланган.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида ўтказилган хатлов жараёнида вилоятдаги 1 126 та маҳаллаларнинг 298 таси чорвачилик ва паррандачилик, 331 таси савдо ва хизмат, 264 таси деҳқончилик ва иссиқхона, 123 таси боғдорчилик, 34 таси кичик ишлаб чиқариш, 10 таси ҳунармандчилик ва 66 таси бошқа йўналишларда маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш учун фойдаланаётган «ўсиш нуқталари» ва тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашув эканлиги аниқланган.<sup>6</sup>

Маҳаллаларнинг ўсиш нуқталари (драйвер) бўйича дастлаб, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон ва 2022 йил 10 сентябрдаги ПҚ-373-сон қарорлари бўйича*) сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун 2022 йил давомида ишсиз, кам таъминланган ва эҳтиёжманд бўлган 36,9 мингта ишсиз (*60 фоизга яқин ижтимоий дафтарларда турган фуқаролар*) фуқароларга 8 712,0 га ер майдонлари (*0,10 гектардан 1 гектаргача*) аукцион орқали ўзоқ муддатга ижарага берилди.

**Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида** имтиёзли тарзда берилаётган кредитлар аҳолининг маҳаллалар ўсиш нуқталари (драйвер) асосида даромадларини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда **2022 йил давомида** вилоят бўйича **40,2 мингдан ортиқ** жисмоний ва юридик шахсларга **901,9 млрд.сўмга** яқин имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу молиявий манбалар маҳаллаларда ишсизлар, ёшлар ва хотин қизларнинг кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кўмак бўлмоқда.

<sup>6</sup> Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти худудий бошқармаси маълумотлари.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан 2022 йил давомида **3 470 та** кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича "маҳаллабай" микролойиҳалар ишга туширилиб, **16 634 та** янги иш ўринлари яратилган.

Ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бўлган қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлашига кўмак бериш мақсадида Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2022 йил давомида **7 286 нафар фуқароларга 19,5 млрд.сўмга** яқин субсидия маблағлари ажратилган.

Маҳаллабай ишлаш тизимида, ишсиз, муқим даромадга эга бўлмаган 2022 йилда 25 759 нафар аҳоли касб ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган.

Юқорида қайд этилган барча йўналишларда амалга оширган ишлар аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, маҳаллабай ишлаш орқали амалга оширилган ишларнинг самараси ва қишлоқ аҳолиси ҳаётидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ҳоким ёрдамчилари кўмак берган аҳоли хонадонларида даромадлари ўзгариши ҳам таҳлил қилиб борилмоқда.

Ҳоким ёрдамчиларига берилган ваколат ва ҳуқуқлар доирасида маҳаллабай ишлаш тизими орқали аҳолига берилган кўмак ва ёрдам (*ижарага ер бериш, кредит, субсидия, касбга ва тадбиркорликка ўқитиш, доимий ва мавсумий ишга жойлаштириш, ўз-ўзини банд қилиш орқали норасмий сектордаги фуқаролар фаолиятини қонунийлаштириш ва бошқалар*) натижалари маҳаллаларда **аҳоли бандлигини таъминланиши, хонадонларда аҳоли жон бошига даромадлар ўзгариши ва энг муҳими камбағаллик даражасини қисқартиришда** кўринмоқда.

**Биринчидан**, ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолига берилган кўмак ва ёрдам натижасида 2022 йил давомида даромадли меҳнат билан банд бўлган **353,8 мингга** яқин аҳоли (*уларнинг, 118,1 мингга яқини доимий ишларга, 12,9 мингга яқини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 172,8 мингга яқини ўзини-ўзи банд қилиш орқали, 13 мингдан ортиғи яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этиш ва 37 мингга яқин фуқаролар ижарага ер ажратиш ҳисобига*) рўйхатга олинган.

**Иккинчидан**, ҳоким ёрдамчилари томонидан 2022 йилда кўмак берилган 202,6 мингта хонадонларнинг, дастлаб ёрдам берилган (*2022 йил 9 ойида*) 142,3 мингтасининг 1 ойда жон бошига даромад ўзгариши бўйича ўтказилган хатловда, улар оила аъзолари жон бошига даромади вилоят бўйича ўртача 489 минг сўмдан 874 минг сўмга (*78,7,0 фоиз*) ошган.

**Учинчидан**, энг муҳим натижа, вилоятда **камбағаллик даражаси** 2022 йилда ҳокимликлар, ваколатли ташкилот ва идоралар кўмаги ҳамда ҳоким

ёрдамчилари саъий-ҳаракатлари билан **18,2 фоиздан 14 фоизга** қисқартирилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Самарқанд вилоятида 2023 йил якуни бўйича камбағаллик  
кўрсаткичларининг кутилиши<sup>7</sup>**

№	Худудлар номи	Жами оилалар сони	2022 йил якунлари		2023 йил якуни бўйича кутилиши	
			Камбағал оила сони	Камбағаллик даражаси (фоизда)	Камбағал аҳоли сони	Камбағаллик даражаси (фоизда)
<b>Жами</b>		<b>997 116</b>	<b>139 596</b>	<b>14,0</b>	<b>504 691</b>	<b>12,0</b>
1	Самарқанд ш.	159 348	10 604	6,7	33 949	6,5
2	Каттакўрғон ш.	23 926	2 678	11,2	9 324	9,8
3	Оқдарё т	38 588	6 043	15,7	23 568	13,7
4	Булунғур т	45 205	6 964	15,4	25 077	12,4
5	Жомбой т	41 194	6 166	15,0	24 620	13,1
6	Иштихон т	60 744	9 829	16,2	35 899	13,0
7	Каттакўрғон т	68 185	9 150	13,4	34 384	11,7
8	Қўшрабат т	29 588	4 408	14,9	18 444	13,0
9	Нарпай т	50 006	7 764	15,5	30 870	13,5
10	Пайариқ т	62 396	11 304	18,1	42 035	15,3
11	Пахтачи т	43 110	6 758	15,7	20 928	13,8
12	Пастдарғом т	85 108	15 344	18,0	57 155	14,9
13	Самарқанд т	71 923	5 348	7,4	17 684	6,5
14	Нуробод т	36 886	6 084	16,5	20 383	12,5
15	Ургут т	127 586	25 272	19,8	89 202	16,0
16	Тайлоқ т	53 323	5 880	11,0	21 169	9,6

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, маҳаллабай ишлаш тизими ҳар бир маҳаллада аҳоли, хусусан, кишлоқ аҳолисини тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига туширишга хизмат қилиб, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, муқим даромадга эга бўлиши ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиб, мамлакатимизда камбағалликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар бош мезонига айланади.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2022 йил якунлари ва 2023 йил прогноз кўрсаткичлари ҳисоботи. (Расмий сайтдан олинган)

Ўзбекистонда кейинги 10 йилда меҳнат ва кичик бизнес даромадларининг ўсиши камбағалликнинг қисқаришига олиб келганини инкор қилмаймиз. Иш ҳақи ва бизнесдан келадиган даромад манбалари аҳамияти тобора ортиши билан нафақалар, ижтимоий ёрдам дастурлари ва бошқа даромад турларининг роли камайгани ҳам рост.

Ушбу ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси фаолияти уйғунлигини таъминлаш муҳимдир.

Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бунинг учун, маҳаллалар, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорлик учун шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш ишларини жадаллаштириш зарур. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ўзгаришлар, шу жумладан, тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилишидан қатъий назар белгиланган мақсадларга эришишга таъсир қилмайди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Ушбу ислохотларни амалга оширишда мамлакатимизда камбағалликни расман аниқлаш учун камбағаллик чегарасини аниқлаш, камбағалликни аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш тўғрисида махсус дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва маҳаллабай тарзда манзилли амалга ошириш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлар миллий базаси <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/>

3. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари

4. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2022 йил якунлари ва 2023 йил прогноз кўрсаткичлари ҳисоботи *(Расмий сайтдан олинган)*